

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ИСАРОВ ОМОН РИСАЛИЕВИЧ

**ТАКСИС КАТЕГОРИЯСИ ФУНКЦИОНАЛ-СЕМАНТИК ТАДҚИҚИ
(инглиз ва ўзбек тиллари мисолида)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира
тилшунослик ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

УДК: 11.111'367
811.512.133'367

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of the doctoral (DSc) dissertation

Исаров Омон Рисалиевич

Таксис категорияси функционал-семантик тадқиқи
(инглиз ва ўзбек тиллари мисолида) 3

Исаров Омон Рисалиевич

Функционально-семантическое исследование категории таксиса
(на материале английского и узбекского языков) 31

Isarov Omon Risaliyevich

Functional-semantic study of the category of taxis
(on the material of the English and Uzbek languages) 61

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 66

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ИСАРОВ ОМОН РИСАЛИЕВИЧ

**ТАКСИС КАТЕГОРИЯСИ ФУНКЦИОНАЛ-СЕМАНТИК ТАДҚИҚИ
(инглиз ва ўзбек тиллари мисолида)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира
тилшунослик ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.DSc/Fil257 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Жиззах давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (nuu.md.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Расмий оппонентлар:

Расулова Маҳфуза Инамовна
филология фанлари доктори, профессор

Хошимов Ғанижон Мирзахмедович
филология фанлари доктори, профессор

Усмонова Шоира Рустамовна
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 рақамли Илмий кенгашнинг «___» _____ 2021 йил соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 400 уй. Тел: (99871) 246-08-62; (99871) 227-10-59; факс: (99871) 246-65-24; e-mail: nauka@nuu.uz. Ўзбекистон Миллий университети, Хорижий филология факультети (1-қават, 112-хона).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 400-уй. Тел.: (99871) 246-08-62.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2021 йил «___» _____ даги №___ рақамли реестр баённомаси).

А.Г.Шереметьева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол. ф.д., профессор

Н.Э.Абдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

И.А.Сиддикова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, филол. ф.д., профессор

Кириш (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё филология фанида бугунги кунда инсоннинг нутқий фаолияти ва оламнинг лисоний манзарасини тасвирлаш имкониятлари бўйича фундаментал ишларни амалга оширишга бўлган интилиш янада ортган. Шу боис таксис, фазавийлик, субъектлик, объектлик, темпораллик, локативлик, модаллик, аспектваллик, интенсивлик, мақсад, сабаб, шарт ва бошқа шу каби функционал-семантик категориялар таҳлили ва тадқиқи ҳамда ушбу ҳодисаларнинг онтологик моҳиятини англаш ва аниқлаш, уларнинг тиллараро муносабатини очиб бериш масаласи янада долзарблашиб, келгусидаги тадқиқотлар истиқболини белгилаб бермоқда. Жумладан, кечаётган воқеа-ҳодиса, бажарилаётган иш-ҳаракат ва умуман объектив борлиқда содир бўлаётган, жой олаётган, ўз аксини топаётган «факт»лар замони ва тартибига ишора қилувчи тил категорияларининг синтактик-семантик ҳамда дейктик мақомини функционал-семантик жиҳатдан тушуниш тилшунослиқда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон тилшунослиги илмий мактабларида таксис категориясининг кенг кўламда ўрганилиши ушбу ҳодисанинг функционал-семантик ва синтактик-семантик табиатини очиб бериш, унинг функционал ва дейктик хусусиятларини аниқлаш ва фарқлаш, замон таркибида юзага келадиган барқарор ва ўзгарувчан белгиларнинг ўзаро мутаносиблигини кўрсатиб бериш имконини яратади. Хусусан, таксис категориясига хос ҳодисаларнинг функционал самарадорлиги, дискурсив талқини ҳам функционал-семантик сатҳда намоён бўладиган моҳият билан боғлиқ жиҳатларни тадқиқ этиш тамойиллари турли тизимли тиллар мисолида қиёсий аспектда кам ўрганилган. Назарий-илмий жиҳатдан эса уларнинг ўзига хос томонлари етарлича илмий асослаб берилмаганлиги муаммони мажмуавий ва тизимли тадқиқ этишни тақозо этади.

Мамлакатимизда ўзбек ва хориж тилшунослиги соҳаларида фан тараққиёти динамикаси сезиларли даражада юксалди. Бунда жаҳон тилшунослиги ютуқларидан ўринли фойдаланиш, уларни амалда қўллаш ўз ижобий натижаларини берди ҳамда эришилаётган ютуқларимиз нафақат мамлакатимиз тилшунослигида, балки дунё тилшунослигида ҳам маълум бўлиб бормоқда. Эришилган ютуқлар билан бир қаторда қилиниши лозим бўлган зарур тадқиқотлар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг сирасига таксис категорияси тадқиқи ҳам даҳлдордир. Замонавий тараққиёт тамойилларига асосланган ҳолда «...таълим тизимини такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш» алоҳида таъкидланган.¹ Бу борада таксис бирликларининг функционал-семантик ва қиёсий-чоғиштира таҳлили қардош бўлмаган инглиз ва ўзбек тиллари тизимида иш-ҳаракат (умумий маънода «факт»)лар тартибини, пайтини идрок этиш ва уни нутқий фаолиятда ифода этиш даражасини ўрганиш учун типологик умумийлик ва хусусийлик

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – Б. 39.

белгилари жиҳатдан тадқиқ этишга бағишланган илмий тадқиқотларни амалга ошириш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи².

Таксис ҳодисаси, унинг структур-функционал типлари, бошқа тиллар билан қиёсий ўрганилишига оид тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Harvard University (АҚШ), Санкт-Петербург давлат университети (РФ), Москва давлат университети (РФ), Қозон Федерал университети (РФ), Москва шарқшунослик институти (РФ), Ростов чет тиллар институти (РФ), Москва давлат лингвистика университети (РФ), Москва шаҳар педагогика институти (РФ), Бошқирдистон давлат университети (РФ), Тожикистон давлат педагогика университети (Тожикистон), шунингдек, Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти (Ўзбекистон) каби олий таълим муассасалари ва илмий марказларида олиб борилмоқда. Таксиснинг умумий ва хусусий назарияси ҳамда қиёсий типологияси бўйича асосий салмоқли тадқиқотлар Петербург функционал грамматика мактаби лингвофункционалистлари томонидан функционал-семантик концепция доирасида кенг ривожлантирилиб келинмоқда (Санкт-Петербург давлат университети, РФ).

Дунё тилшунослигида таксис категориясини очиб беришга қаратилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: таксис категориясининг умумий лисоний категориал мақоми тавсифланган; унинг структураси ва семантикасидаги парадигматик ҳамда синтагматик муносабатлар фарқлаб берилган; функционал-семантик моҳияти асосланган; ўзаро боғланган категориялар ўртасида тутган ўрни қиёсий ўрганилган; таксис муносабатларини ифодаловчи birlikлар алоҳида олинган айрим тиллар

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи elibrary.ru, internauka.ru, philology.ru, rusnauka.com, harvard.edu, navoiy-uni.uz, webdissertation.com, diser.biz, planetadisser.com, ex.ac.uk/library/uklibs, msu.ru, spbu.ru, db.rulib.com, uperlinguist.com, uisrussia.msu.ru/linguist, lib.ua-ru.net/diss, dic.academic.ru, linguistic.ru, lingvoforum.net, pedlib.ru, scopus.com сайтлари ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

мисолида ва қиёсий аспектда таҳлилга тортилган (Harvard University, АҚШ; Санкт-Петербург давлат университети, РФ; Ростов чет тиллар институти, РФ; Қозон Федерал университети, РФ ва б.).

Бугунги кунда жаҳонда таксис муносабатлари бўйича қатор, жумладан, куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: таксис функционал-семантик категориясининг мустақил категориал мақомини белгилаш; фарқланган / фарқланмаган таксис турлари, приор, симультан ва постериор таксис парадигмаларининг турли тизимли тилларда мавжудлигини асослаш; тилда таксис категориясини аниқлаш ва ажратиш мезонларини ишлаб чиқиш; таксис семантикасининг турли тизимли тилларда воқеланишини аниқлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таксис ҳар бир тилда мавжуд, бироқ замон ва тусдан фарқ қилувчи алоҳида грамматик категория сифатида фақатгина махсус грамматик шакллар тизими амалда бўлган тилларда ўз аксини топади. «Таксис» термини лисоний соҳада пайдо бўлганига нисбатан кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо, фактлар ўртасидаги таксис муносабатлари олдинги давр олимларининг ишларида ҳам кўриб чиқилган. Шу маънода, таксис лисоний категориясининг ўрганилиш тарихини шартли равишда икки даврга бўлиш мумкин. Дастлабки даврда фактлар ўртасидаги таксис муносабатлари феъл ифодалаган жараёнлар ўзаро муносабатга киришишининг иккиламчи семантик ўзига хослиги сифатида ўрганилиши билан тавсифланади. Кейинги давр эса, ушбу муносабатларнинг алоҳида лисоний категория сифатида тан олиниши, хусусан, «таксис» термини остида ўрганилиши билан бошланади.

Таксисни биринчилардан бўлиб Р.О. Якобсон ўзининг «Шифтеры, глагольные категории и русский глагол» (1957) мақоласида мустақил категория сифатида ажратган.³ Ўшандан бери таксис тушунчаси ҳозирги лингвистикада қўлланилиб келмоқда. Гарчи Р.О. Якобсон таксисга алоҳида категория (хусусан, феълга хос категория) сифатида ёндашган бўлишига қарамасдан, у бу лингвистик ҳодисани алоҳида тадқиқот объекти сифатида кенг ўрганиб чиқмаган.⁴ Бундай фикрни унинг издошларидан, таниқли рус тилшунос олими, А.В. Бондарко тўғрисида ҳам айтиш мумкин. А.В. Бондарко, таксисни тадқиқот объекти қилиб олгани ҳолда, Р.О. Якобсон фикрларига қисман таяниб, бу ҳодисани турли тизимли рус ва нивх тилларида қиёслаб ўрганиб чиқди ва ўзининг «Функционал грамматика» туркумига кирувчи «Аспектуальность. Временная локализованность. Таксис.» деб номланган китобида баён қилди.⁵ Таксис турли терминлар остида Р.О. Якобсон, А.В. Бондарко ва уларнинг бошқа издошларидан олдин ҳам бир қатор олимлар (даставвал, Л. Блумфильд («Order» номи билан),⁶ кейинчалик А.И. Смирницкий ва Д.А. Штеллинг

³ Якобсон Р.О. Шифтеры, глагольные категории и русский глагол // Принципы типологического анализа языков различного строя. – М., 1972, 1957. – Б. 101-108.

⁴ Якобсон Р.О. Ўша асар. – М., 1972. – Б. 95-113.

⁵ Бондарко А.В. Общая характеристика семантики и структуры поля таксиса // Теория функциональной грамматики: Введение. Аспектуальность. Временная локализованность. Таксис. – Л.: Наука, 1987. – 242 с.

⁶ Блумфильд Л. Язык. – М.: Прогресс, 1968. – 606 с.

(«Временная отнесенность» термини асосида)⁷ томонидан ажратилган ва тадқиқ қилинган.

Ўрганиб чиқилган манбалар шундан далолат берадики, таксис русистикада XX аср 80 йилларининг ўрталаридаёқ О. Ахманова, С. Беленькая ва А. Бородиналарнинг ишларида ўз аксини топа бошлаган. Бироқ, таксис тушунчасининг лисоний категория сифатида кенг илмий жабҳага киритилиши, ушбу категориянинг яхлит назарий ўрганилишини таъминлаган машхур тилшунос олим А.В. Бондарко номи билан боғлиқ. Натижада таксис категорияси С.М. Полянский, Н.А. Козинцева, В.П. Недялков, Т.А. Отаина, М.Ю. Рябова, М.Б. Нуртазина, Л.Н. Оркина, А.Л. Сидинхе, Е.Ю. Груздева, Н.А. Брюховец, Е.В. Евпак, Н.В. Берницкая каби тилшунослар томонидан турли тиллар, асосан, рус, немис ва инглиз тиллари материалида ҳар томонлама тадқиқ қилина бошланган.

Туркологияда эса ҳанузгача таксис категорияси деярли ажратилмаган ва кенг ўрганилмаган. Ушбу ўринда алоҳида диссертацион тадқиқот доирасида олиб борилган, бизга ҳозиргача маълум, фақатгина икки ишни мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин. Улар, Ш.Х. Салчакнинг «Зависимый таксис в тувинском языке в сопоставлении с английским языком»⁸ ва М.С. Азисованинг «Таксис в современном татарском литературном языке»⁹ каби номзодлик диссертацияларидир.

Жумладан, ўзбек тилшунослигида ҳам, шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳозиргача таксис категорияси, уни ифодаловчи барча лисоний воситаларни тизимли-мажмуавий тарзда тадқиқ қилишга бағишланган алоҳида илмий-тадқиқот ишлари умуман мавжуд эмас. Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳозирги ўзбек адабий тилида таксис категориясининг тадқиқ қилиниши долзарб ҳисобланади.

Шунингдек, сўнгги йилларда тилшуносликда диссертация мавзусига яқин монографик аспектдаги бир қатор ишлар амалга оширилган. Уларнинг сирасига Э.Р. Бариеванинг «Категории таксиса и обусловленности в английских полипредикативных конструкциях с двойным подчинением»,¹⁰ Н.Л. Кудинованинг «Средства выражения категории таксиса в англоязычном дискурсе»,¹¹ Н.А. Лященкоинг «Функционально-семантическое поле таксиса в современном английском языке»,¹² О.А. Точекинанинг «Реализация таксисного значения одновременности в современном английском языке (на материале

⁷ Смирницкий А.И. Перфект и категория временной отнесенности // Иностр. языки в школе, 1955. №2. – Б. 15-29.

⁸ Салчак Ш.Х. Зависимый таксис в тувинском языке в сопоставлении с английским языком: Дисс. канд. филол. наук. – М., 2006. – 261 с.

⁹ Азисова М.С. Таксис в современном татарском литературном языке: Дисс. канд. филол. наук. – Казань, 2004. – 175 с.

¹⁰ Бариева Э.Р. Категории таксиса и обусловленности в английских полипредикативных конструкциях с двойным подчинением: Дисс. канд. филол. наук. – СПб., 2005. – 200 с.

¹¹ Кудинова Н.Л. Средства выражения категории таксиса в англоязычном дискурсе: Дисс. канд. филол. наук. – Москва, 2008. – 278 с.

¹² Лященко Н.А. Функционально-семантическое поле таксиса в современном английском языке: Автореф. дисс. канд. филол. наук. - Пятигорск, 2007. – 28 с.

экономического дискурса)»¹³ ва қиёсий-типологик йўналишдаги М.В. Мишаеванинг «Типология зависимого таксиса в английском и даргинском языках»¹⁴ ва М.Н. Нематуллаеванинг «Типология выражения таксисных отношений (на материале таджикского и английского языков)»¹⁵ каби номзодлик диссертацияларини киритиш мумкин.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Жиззах давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №4-сон «Лисоний категорияларнинг функционал-семантик тадқиқи» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз ва ўзбек тилларида таксис категориясини мустақил категория сифатида ажратиш асосида уни воқелантирувчи турли тил сатҳ таксемаларини функционал-семантик ва транслотологик хусусиятларига асосланган тавсиф ва таснифини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

таксис категорияси тадқиқи методологияси ва концепцияларини ўрганиш;
фёъл функционал шаклларида таксис семантикасини аниқлаш;
ўзбек тилида равишдош тизимини таксис конверби сифатида ўрганиш;
инглиз ва ўзбек тилларида сифатдош тизимини таксис конверби сифатида ўрганиш;

симультан таксемалар функционал-семантик ва транслотологик тадқиқини амалга ошириш;

приор таксемалар функционал-семантик ва транслотологик тадқиқини амалга ошириш;

постериор таксемалар функционал-семантик ва транслотологик тадқиқини амалга ошириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз (Kazuo Ishiguro «The Remains of the Day», Mario Puzo «The Godfather») ва ўзбек (Абдулла Қодирий «Меҳробдан чаён», Мирзакалон Исмоилий «Фарғона тонг отгунча», Тоҳир Маликнинг «Сўнгги ўқ») ёзувчиларининг асарларидаги таксис категориясини ифодаловчи турли лисоний сатҳ бирликлари танланган.

Тадқиқотнинг предметини инглиз ва ўзбек тилларида таксис категориясини ифодаловчи турли сатҳ бирликларининг функционал-семантик ва транслотологик таҳлили ҳамда тавсифи ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тизимли таҳлил (ономасиологик ёндашув – «мазмундан шаклга» ва семасиологик (анъанавий) ёндашув – «шаклдан мазмунга» йўналишларида), функционал-семантик, транслотологик, трансформацион, дистрибуцион, тасвирий-аналитик, қиёсий-чоғиштира,

¹³ Точеккина О.А. Реализация таксисного значения одновременности в современном английском языке (на материале экономического дискурса): Дисс. канд. филол. наук. – Санкт-Петербург, 2004. – 175 с.

¹⁴ Мишаева М.В. Типология зависимого таксиса в английском и даргинском языках: Дисс. канд. филол. наук. – Махачкала, 2007. – 198 с.

¹⁵ Нематуллаева М.Н. Типология выражения таксисных отношений (на материале таджикского и английского языков): Дисс. канд. филол. наук. – Хужанд, 2002.

таксономик (структурал), компонент, ўрни билан майдон, матн ёндашув таҳлил усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек тилларида равишдош, сифатдош, герундий, инфинитив, ҳаракат номи каби феъл шаклларида функционал-семантик таксис категориясини воқелантирувчи универсал функционал таксемалар вазифасини бажариши далилланган;

таксиснинг бир-пайтлилик ва турли-пайтлилик семантик муносабат турларидан ташқари, «таксис ичида таксис» концепциясига кўра, ҳар иккала муносабат турларини ўзида жамловчи таксиснинг янги «қўшма / қўш муносабат» тури илк бор аниқланган;

ўзбек тилида мустақил функционал-семантик таксис категориясининг симультан, приор ва постериор муносабат турлари мавжудлиги аниқланган;

инглиз тилида феълнинг равишдош шакли мавжуд эмаслиги сабабли унинг таксисни ифодаловчи вазифаларини сифатдош бажариши далилланган;

ўзбек тилида мавжуд бўлган феълнинг функционал шакллари – равишдош ҳам, сифатдош ҳам таксис семантикасини ифодалаш сабабли уларнинг таксис конверблари вазифасида иштирок этиши исботланган;

инглиз ва ўзбек тиллари тизимидаги таксемаларнинг таксис семантикасини воқелантириши, транслотологик мутаносиблиги ва номутаносиблиги каби функционал-семантик хусусиятлари очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

нутқий тузилмалар таркибида намоён бўладиган таксис муносабатларининг турли тизимли тиллар мисолида тадқиқ этилиши асосида грамматик норма қоидаларидан амалиётда фойдаланиш ҳамда инглиз ва ўзбек тилларини ўрганувчиларга назарий ва функционал грамматика ҳамда қиёсий тилшунослик фанлари бўйича маъруза ва амалий машғулотларни ташкил қилиш учун методик таъминоти ишлаб чиқилган;

таксис муносабатлари ҳақидаги натижалар муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши, «Назарий грамматика», «Қиёсий типология», «Қиёсий тилшунослик», «Тил назарияси», «Ўзбек тили функционал грамматикаси», «Матн тилшунослиги», «Тилшуносликка кириш», «Умумий тилшунослик» ҳамда магистратура босқичида «Хорижий мамлакатларнинг лингвистик назариялари», «Функционал грамматика» каби (махсус ёки танлов) фанлардан яратиладиган дарслик ва ўқув-қўлланмаларнинг мукамаллашувига хизмат қилган;

тадқиқотда берилган таҳлил, хулоса ва тавсиялар талабаларга таксис категориясининг замон онтологияси билан боғлиқ бўлган бошқа категориялар билан бир қаторда турувчи алоҳида мустақил категория эканлигини тушунишни осонлаштириши ва уларнинг бу борадаги қарашларини бойитиши асосланган;

филология факультетлари юқори босқич талабалари ва магистрантлари учун тил ўқитиш амалиётида назарий ва функционал грамматика, тил назарияси, тил тизими, тил қурилиши, замонавий функционал-семантик ва

синтактик назариялар бўйича махсус курсларда қўллаш мумкин бўлган система (комплекс) ва структуралар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ шакллантирилиши, қўлланилаётган тадқиқот усулларининг адекватлиги, илмий-назарий манбаларнинг ва таҳлил қилиб чиқилган материал ҳажмининг нуфузлилиги ҳамда республика ва хорижий журнал ва конференциялари тўпламларида мақолалар нашр қилинганлиги, чиқарилган хулосаларнинг қатъийлиги, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, у бир томондан инглиз ва ўзбек тилларида таксис категориясини ташкил қилувчи восита(таксема)ларнинг функционал-семантик жиҳатдан тизимли ўрганилишига хизмат қилса, бошқа бир томондан эса туркология, жумладан, ўзбек тилшунослигидаги бир назарий бўшлиқни тўлдиради ҳамда лексик, грамматик, матн бирликлари ўртасидаги семантик муносабатлар назариясини бойитади ва таксис категорияси умумий назариясини илгари сургани ҳолда бошқа тилларда ҳам таксис категориясини ўрганиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса унинг инглиз ва ўзбек тилларида таксис категорияси бўйича ўқув қўлланмалар тайёрлаш ва уларни дарс жараёнида қўлланилиши мумкинлиги билан белгиланади. Тадқиқотнинг асосий илмий ва амалий натижаларидан «Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий типологияси», «Инглиз тили назарий грамматикаси», «Таржима назарияси ва амалиёти», «Инглиз тили лексикологияси», «Ўзбек тили назарий грамматикаси», «Умумий тил назарияси» курсларини ўқишда, «Инглиз ва ўзбек тиллари амалий грамматикаси» бўйича ўтказиладиган дарсларда ҳамда «Функционал грамматиканинг долзарб масалалари», «Герман ва туркий тиллар умумий типологияси», «Майдон назарияси» бўйича махсус курс ва семинарлар ўтказишда жалб қилиниши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Таксис категорияси функционал-семантик хусусиятларининг инглиз ва ўзбек тилларида тадқиқи бўйича олинган натижалар асосида:

инглиз ва ўзбек тилларида функционал-семантик таксис категориясини воқелантирувчи универсал функционал таксемалар очиб берилиши билан боғлиқ илмий-назарий хулосалардан «Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш» мавзусидаги И-204-4-5-рақамли инновацион фундаментал тадқиқот лойиҳасида назарий манбаларни яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 03 февралдаги 89-03-614-сон маълумотномаси). Натижада, инглиз тили назарий грамматикасига доир виртуал ресурслар яратишга оид методик тавсиялар шакллантирилган;

янги таксис концепциясининг асосланишига оид хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан амалга

оширилган филология соҳасидаги фундаментал, амалий ва инновацион грантлар доирасида электрон ва виртуал манбалар яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2019 йил 31 январдаги 06-15-591-сон маълумотномаси). Натижада, турли тизимли тилларда таксис категорияси воқеланишининг ўзига хос хусусиятлари ва унинг категориал мақоми масалаларига доир хулосалар ишлаб чиқилган;

Ўзбек тилида мустақил функционал-семантик таксис категориясининг симультан, приор ва постериор муносабат турлари мавжудлиги аниқланишига доир амалий ва назарий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Ижодкор ёшлар билан ишлаш ва оммавий маданий тадбирларни ташкил этиш бошқармаси томонидан ўтказилган тадбир ва фестивалларда, шунингдек, услубий кўрсатмалар тайёрлашда ҳамда жамиятда соғлом она ва болани шакллантиришнинг илмий-услубий механизмларини такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2019 йил 19 февралдаги 01-12-14-799-сон далолатномаси). Натижада, олий таълим муассасаларида талабаларнинг чет тили бўйича нутқ маданиятини фаоллаштиришнинг услубий асослари такомиллаштирилган;

инглиз ва ўзбек тилларида таксис категориясини воқелантирувчи таксемаларнинг функционал-семантик ва транслотологик таҳлиliga доир натижа ва хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги томонидан тавсия этилган намунавий дастур ва ўқув режалар асосида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (инглиз тили) бакалавриат йўналишидаги талабаларга ўқитилаётган «Инглиз ва ўзбек тилларининг қиёсий типологияси», «Инглиз тили назарий грамматикаси», «Инглиз тили лексикологияси» каби назарий, «Ўқиш ва ёзиш амалиёти», «Тил аспекти амалиёти», «Тил кўникмалари интеграцияси» каби амалий, шунингдек, 5A120102 – Лингвистика (инглиз тили) магистратура мутахассислиги бўйича магистратура йўналишидаги талабаларга ўқитилаётган «Чоғиштира лингвистика» ва «Лингвистик ва методик тадқиқот асослари» каби фанлар таркибий қисмларида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 03 февралдаги 89-03-614-сон маълумотномаси). Натижаларнинг самарадорлиги ва улар асосида ишлаб чиқилган тавсияларнинг амалиётга татбиқ этилиши талабалар томонидан «Инглиз ва ўзбек тилларининг қиёсий типологияси», «Инглиз тили назарий грамматикаси» ва «Чоғиштира лингвистика» каби фанларнинг самарали ўзлаштирилишига хизмат қилган;

Ўзбек тилида алоҳида мустақил таксис функционал-семантик категориясининг ажратилиши ҳамда уни воқелантирувчи феъл функционал шакллари таҳлили; инглиз ва ўзбек тилларида сифатдош ҳамда равишдош тизимларининг таксис конверби сифатида асосланишига доир илмий натижа, таклиф, тавсия ва хулосалардан таълим дастур ва ихтисосликлари доирасида Жиззах давлат педагогика институти бакалавриатура ва магистратура талабаларини ўқитиш жараёнида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 03 февралдаги 89-03-614-сон маълумотномаси). Натижада, ўқув жараёнида таксис категориясини

алоҳида мустақил категория сифатида ўқитиш самарадорлигини оширишга эришилган;

инглиз ва ўзбек тиллари тизимида таксис семантикасини воқелантирувчи таксемаларнинг функционал-семантик ва транслотологик хусусиятлари очиқ берилишига оид илмий-назарий хулосалардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston tarixi» телеканалининг «Мавзу» ва «Такдимот» кўрсатувларининг сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 03 февралдаги 01-13-165-сон маълумотномаси). Натижада, телевосита орқали телетомошабинларнинг тилшуносликнинг долзарб муаммолари ҳақидаги тушунчаларини шакллантиришга ва билимларини бойитишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 22 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 41 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та монография, 35 та илмий мақола, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та илмий мақола, 2 та мақола Скопус базасидаги журналларда ва 2 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат бўлиб, умумий ҳажми 247 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, илмий изланишнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, фойдаланилган методлар ва методологик асоси, тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми хусусида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Ҳозирги замон тилшунослигида таксис назарияси**» деб номланган биринчи бобида таксис категориясининг моҳияти ва лисоний мақоми ҳамда ўзаро боғланган категориялар ўртасида тутган ўрни ва қиёсий тавсифи борасида илмий-назарий таҳлил ҳамда мулоҳазалар амалга оширилган.

«Таксис» термини дастлаб Л. Блумфилд томонидан «нисбий замон» тушунчасини ифодалаш учун киритилган.¹⁶ Таксис грамматик (ёки

¹⁶ Bloomfield L. Algonquian // Linguistic structures of Native America (Viking Fund Publication in Anthropology). – N.Y., 1946. № 6. – P. 98-105.

функционал-семантик) категорияси ҳам ифодаланиш воситалари, ҳам мазмун плани нуктаи назаридан мураккаб структурага эга бўлган категория сифатида талқин қилиниши мумкин.

Таксис - бу ҳаракатлар (кенг маънода, предикатларнинг ҳар қандай кўриниши: воқеа-ҳодиса, жараён, ҳолат, натижа ва ҳоказолар) ўртасидаги пайт муносабатларидир.¹⁷

XX аср тилшунослигида таксиснинг морфологик концепцияси тақдим қилинган. Мазкур концепция мазмун планининг асосий компонентлари сифатида замонда ҳаракатлар ўртасидаги нутқ пайти ҳисобга олинмаган муносабатлар ҳисобланади. Ифода плани эса яққол белгиланган «перфект: ноперфект» морфологик оппозицияси орқали юзага чиқади.

Таксисга мустақил категория мақомини берувчи ҳозирда амалда бўлган бошқа бир таксис концепцияси функционал-семантик концепция деб аталади. Бу концепциянинг асосий ҳолатлари илк маротаба Р.О. Якобсон томонидан баён қилинган эди.¹⁸ Ушбу концепция кейинчалик Петербург функционал грамматика мактаби вакиллари, авваламбор, Ю.С. Маслов, А.В. Бондарко, Т.Г. Акимова, Н.А. Козинцеваларнинг ишларида (асосан рус тили материалида) ривожлантирилди.

Бизнинг ишда воқеа-ҳодиса (кенг маънода факт)ларнинг замондаги тартиби маъноси таксис макромайдонининг *категориал* маъносидир, у микромайдонлар маъноларига нисбатан *умумийдир* (родовое значение), микромайдонлар маънолари эса (олдин келиш, бир-пайтлилик, кейин келиш) категориал маънога нисбатан *жузъий* маънолардир (видовые значения).

Функционал грамматика мезонларига кўра, ФСК инвариант сифатида у билан ягона маъно вариантлари каби ўзаро алоқага киришувчи семантик функциялар мажмуи таркибидан ташкил топади. Агарда таксис ФСКси ягона замон даври доирасида икки ёки ундан ортиқ воқеа-ҳодиса (факт)лар ўртасидаги хронологик муносабатларнинг ифодаланиши сифатида қараладиган бўлса, унда воқеа-ҳодисалар ўртасидаги хронологик муносабатларнинг турли кўринишлари, яъни бир-пайтлилик/турли-пайтлилик (илгарилик/кейинлик) унинг семантик функциялари сифатида намоён бўлади.

Таксис ФСКси ҳамда унинг семантик функцияларини ташкил этувчи комплекс яхлит замон даври доирасида ҳаракатлар ўртасида пайт муносабатларини ифодалаш вазифаси орқали бирлашган турли (морфологик, синтактик, лексик, лексик-грамматик) воситалар билан ҳосил бўладиган таксис функционал-семантик майдони (ФСМ)нинг мазмун планини ташкил этади.

Тадқиқотимизда таксис муносабатларининг *семантик мазмуни* (таркиби), умуман олганда, функционал грамматика назариясида келтирилганига биноан қабул қилинган.¹⁹ Бу ўринда 1998 йилда А.В. Бондарко томонидан таксис

¹⁷ Бондарко А.В. Функциональная грамматика. – Л.: Наука, 1984. - 136 с.; Семенова Н.В., Заботина М.В. Абсолютный причастный оборот (таксисные функции) // Язык. Культура. Образование: Материалы науч. – практ. конф. – Великий Новгород, 2001. – Б. 152.

¹⁸ Қаранг: Якобсон Р.О. Шифтеры, глагольные категории и рус. глагол, пер. с англ., в кн.: Принципы типологического анализа языков различного строя, – М., 1972. – Б. 102-111.

¹⁹ Қаранг: ТФГ, 1987.

назариясидаги айрим қайта кўриб чиқилган ҳолатлар ҳамда таксис муносабатларининг шарҳига киритилган ўзгартиришлар ҳам ҳисобга олинди.²⁰

Айрим тилшуносларнинг фикрига кўра, «макон»да жойлашган ўрнига нисбатан тартиб (локал) муносабатларининг ифодаланиши ҳам таксис майдонини ташкил қилади.²¹ Бизнингча эса, таксис у ёки бу «замон» доирасидаги тартиб муносабатларидан бошқа нарса эмас. Шунинг учун ҳам, тадқиқотимиз доирасида бундай ҳодисалар таҳлиliga тўхталмадик.

Таксис ҳар қайси тилда мавжуд, аммо тус ва замондан фарқ қилувчи алоҳида грамматик категория сифатида фақат тегишли махсус грамматик шакллар тизими мавжуд бўлган тиллардагина амал қилади. Ю.С. Масловнинг таъкидлашича, кўпгина тилларда таксис алоҳида грамматик категория сифатида иштирок этмасдан, бир «қўшма» категория доирасида, ёки замон, ёки тус билан бирлашади.²² Таксиснинг айрим кўринишлари бир қатор тилларда (француз, инглиз, немис, болгар ва б.) нисбий замон шакллари орқали, хусусан, олдин келиш маъносининг ифодаланишида (плюсquamперфект шаклларида, перфект шакллари функцияларидан бирида) намоён бўлади.²³

Ҳозирги герман, хусусан, инглиз ва немис тилларида таксис функционал-семантик майдони акционал (предикатив) ядрога эга бўлган майдонлар гуруҳига кирувчи ва, шу ҳамда бошқа гуруҳ таркибига кирувчи майдонлар билан алоқада бўладиган полицентрик майдондир. Таксис функционал-семантик майдони структурасида икки микромайдон ажратилади: тобе таксис ва мустақил таксис микромайдонлари.

Функционал-семантик таксис майдони конституентлари нутқда қўлланилиш қонуниятларининг тадқиқи кўпгина тилларда, асосан, уч типдаги таксис категориал ситуацияларини ажратиш имконини беради, яъни: 1). бир-пайтлилик маъносига эга категориал ситуациялар; 2). турли-пайтлилик маъносига эга категориал ситуациялар; ва 3). фарқланмайдиган категориал ситуациялар.

Турли тилларда, фарқланадиган ва фарқланмайдиган, яъни бир-пайтлилик/турли-пайтлиликнинг фарқи воқеланмаган ноаниқ пайт(лилик) муносабатлари ажратилади. Таксиснинг асосий семантикасини фарқланадиган бир-пайтлилик/турли-пайтлилик муносабатлари ташкил этади. Шу муносабат билан, мазкур тадқиқотда ҳам, асосан, фарқланадиган пайт муносабатлари кўриб чиқилди. Фарқланадиган ва фарқланмайдиган типдаги пайт муносабатлари ўртасидаги чегаралар аниқ эмас.²⁴

Таксис доим бинар (дихотомик) муносабатлардан иборат бўлади. Таксис муносабатлари доим бошқа семантик маънолар билан бирикиб,

²⁰ Қаранг: Бондарко А.В. К вопросу о временных отношениях // Типология. Грамматика. Семантика. – СПб, 1998. – Б. 98-99.

²¹ Хошимов Ғ.М. О.Р. Исаровнинг «Инглиз тилида таксиснинг ифодаланиши таҳлили» мавзусидаги номзодлик диссертациясига берилган тақризи. 2009.

²² Маслов Ю.С. Результатив, перфект и глагольный вид // Типология результативных конструкций. – Л., 1983. – Б. 41-54.

²³ Полянский С.М. Основы функционально-семантического анализа категории таксиса (на материале немецкого языка): Учеб. пособие. – Новосибирск: изд-во ПГПИ, 1990. – 90 с.

²⁴ ТФГ, 1987: 203.

мураккаблашган ҳолда келади. Бир нечта семантик маънолар бир синтактик қолипда тўпланиб, уюшган муносабат турларини қамраб олади. Бу ҳодиса тилшуносликда «синтактик синкретизм» деб аталади.

Таксис полицентриқ типдаги майдонлар туркумига мансуб. Мазкур майдоннинг полицентриқ (бицентриқ) структураси *тобе* ҳамда *мустақил таксис* функцияларининг фарқи билан белгиланади.

Тобе таксис – бу ҳаракат(факт)лар ўртасидаги пайт муносабатлари бўлиб, улардан бири асосий (бош), бошқаси (ёки, бошқалари) эса ёндош (ҳамроҳлик қилувчи) бўлган ҳаракат(факт)лар ҳисобланади.

Мустақил таксис асосий ва ёндош (ҳамроҳлик қилувчи) ҳаракатларнинг эксплицит, очиқ, расмий ифодаланган табақаланиши мавжуд бўлмаган ҳаракатлар ўртасидаги пайт муносабатларини назарда тутади.

Тобе ва мустақил таксис ўртасидаги фарқ ушбу ФСМни ҳар бири ўзининг марказий ҳамда чекка компонентлари билан тавсифланадиган икки жабҳага ажратилишини шарт қилиб қўяди.²⁵

Таксис ФСКнинг ўзига хос муҳим жиҳатиунинг *категориялараро ўзаро алоқа-муносабатлар* жабҳасига кирганлигидадир. Таксис категорияси бир қатор бошқа, хусусан, темпораллик ва аспектиаллик категориялари билан алоқа-муносабатга киришади.²⁶

Бугунги кунда деярли барча тадқиқотчилар томонидан таксиснинг дастлаб Р.О. Якобсон томонидан берилган таърифига иқтибос қилинсада, у қадар кенг қабул қилинмаган. Замонавий тилшуносликда таксис, баъзан, умуман турфа хил шарҳланади. Хусусан, унинг қуйидагича кўриб чиқилишини кузатиш мумкин: 1) у ёки бу тилнинг морфологик шаклларига бириктирилган феълнинг алоҳида грамматик категорияси; 2) «умумий вақт тушунчасини» акс эттирувчи семантик категориялардан бири (яъни, маълум бир семантик константани конкрет бир тилда ифодаланиш воситаларидан бўлак ҳолда тасвирлаш); 3) ифода ҳамда матн предикатив компонентларининг модаллик, замон ва шахс релятив алоқаларида намоён бўладиган тилнинг «техник» имконияти.²⁷

Ушбу нуқтаи назарлар бир-бирини изчил тарзда алмаштирувчи икки методологик ёндашувдан гувоҳлик беради. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, таксисга бўлган «грамматик қараш» лисоний ҳодисаларни формоцентриқ нуқтаи назардан ўрганиш доирасида шаклланган; иккинчи ва учинчи нуқтаи назарлар эса, функционал тадқиқотлар таъсирида юзага келган.²⁸

Формоцентриқ ёндашувда эътибор, асосан, амалдаги тилда предикатив функцияни бажаришга қодир бўлган специфик морфологик ёки морфологик-синтактик воситаларга қаратилади.²⁹

²⁵ ТФГ, 1987.

²⁶ Кудинова Н.Л. Средства выражения категории таксиса в англоязычном дискурсе: Дис. канд. филол. наук. – М., 2008. – Б. 12.

²⁷ Қаранг: Семёнова Н.В. Категория таксиса в современном русском языке (10.02.01): Автореф. дис. д-ра. филол. наук. – Великий Новгород, 2004. – Б. 12.

²⁸ Пантелеев А.Ф. Категории темпоральности и таксиса // Современный русский язык: коммуникативно-функциональный аспект. Ростов-на-Дону: Изд-во Ростовск. гос. пед. ун-та, 2003.

²⁹ Қаранг: ТФГ, 1987.

Функционал ёндашув эса, авваламбор, «мазмунга» йўналтирилган бўлиб, предикация актида иштирок этувчи хар қандай лисоний воситанинг функциясини ўрганишга мўлжалланади.³⁰

А.В. Бондарконинг концепциясини ривожлантирган ҳолда, В.С. Храковский таксисни тил тизимида уч асосий граммема (бир пайтда келиш, олдин келиш ва кейин келиш) ва уларнинг турли кўринишлари билан тақдим қилинадиган *грамматик* категория деб ҳисоблайди.³¹ Граммемаларнинг грамматик кўрсаткичларини муҳокама қилаётиб, тадқиқотчи олдин келиш, бир пайтда келиш ва кейин келиш таксис муносабатларининг биргина тобе феъл шакли билан ҳам, тобе феъл шаклининг таксис коннекторлари, предлог ва кўмакчи билан ҳамкорлигида ҳам ифодаланиши мумкинлигини алоҳида қайд этади.³²

Таксиснинг соф грамматик категория экани борасидаги турли-туман қарашлар мавжуд. Таксис назарияси ривожланишига улкан ҳисса қўшган Петербург мактаби айрим таксисшуносларининг фикрларига кўра, таксис соф грамматик категория бўла олмайди. Биз ҳам, ўз навбатида, уларнинг фикрига кўшилган ҳолда, улардан тадқиқотимизда дастуруламал сифатида фойдаландик ва таксисни функционал-семантик категориялар туркумига киритдик.

Таксис тушунчаси ҳам тилшунослик соҳасига кириб улгурганидан бери ҳали нисбатан кўп вақт ўтмаганлиги ҳамда бирдек тан олинмаганлиги боис, унга функционал-семантик жиҳатдан ўхшаш бошқа категориялардан чегралаш зарурати туғилди. Шу сабабдан соҳа вакиллари олдидаги таксис, предикативлик ва дейксис; таксис ва эвиденциаллик; таксис, нисбий замон, замон тартиби ва тус каби бир-бирига яқин, қайсидир бир жиҳатдан қардош бўлган категориялар ўртасидаги мавжуд ва потенциал муносабатларни аниқлаш, улар ўртасида аниқ чегарани белгилаб олиш каби вазифалар ҳамон ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Таксис категорияси умумлисоний тадқиқи**» деб номланган ва унда таксис категорияси тадқиқи диахроник ва синхроник ёндашув жиҳатидан таҳлил қилинди. Турли тизимли тилларда таксис категорияси тадқиқи методологияси аниқланиб, ўрганиб чиқилди.

«Таксис» термини биринчи марта Р.О. Якобсон томонидан 1957 йилда АҚШнинг Гарвард университетидеда чоп этилган феъл категориялари ва рус тилида феъл деб номланган ишда қўлланган.³³ Мазкур ишнинг рус тилидаги таржимасининг дунёга келиши ҳаракат(факт)лар ўртасидаги пайт муносабатларининг ўрганилишида муҳим воқеа бўлди. Замонавий тилшуносликда таксис функционал-семантик категорияси (ФСК) жабҳасига мансуб семантик (икки ёки ундан ортиқ предикатив аломатлар бир-пайтлиги,

³⁰ Қаранг: Гак В.Г. К типологии функциональных подходов к изучению языка // Проблемы функциональной грамматики. – М.: АН СССР: Ин-т языкознания, 1983. – Б. 12-13.

³¹ Қаранг: Храковский В.С. Категория таксиса (общая характеристика) // Вопросы языкознания. – М., 2003. – Б. 32-54.

³² Қаранг: Храковский В.С. Таксисные конструкции (опыт классификации) // Теоретические проблемы функциональной грамматики. Материалы Всероссийской научной конференции. – СПб, 2001. – Б. 109-112.

³³ Jakobson R. Shifters, verbal categories and the Russian verb // Russian language project (Cambridge). - Harvard University, Department of Slavic languages and literatures. 1957.

олдин ва кейин келиш ҳамда б.ш.к.) аломатлар анъанавий грамматикаларда алоҳида тарзда тасвирланмаган. Улар кўпинча *равишдош, нисбий замон шакллари* ва *пайт ҳоли эргашиган қўшма гаплар* тавсифи билан боғлиқ ҳолда ёритилган.³⁴ 1987 йилда А.В. Бондарко томонидан таксис категорияси бўйича яхлит назария ишлаб чиқилганидан сўнг, рус ва бошқа бир қатор тилларда таксиснинг ўзига хос хусусиятларини очиш борасида кўплаб илмий ишлар ёзилган. Русистикада таксис Н.А. Козинцева, Л.Н. Оркина, М.Б. Нуртазина, А.А. Опара, Н.В. Семенова ва бошқа тадқиқотчиларнинг ишларида ўз аксини топган. Турли тиллар материалида, асосан инглиз, немис ва рус тилларида, тадқиқ этилаётган категория рус тадқиқотчилари томонидан кенг камровли ёритилган.

Таксиснинг қиёсий ҳамда типологик тадқиқи ушбу категория таксис муносабатларини ифодалаш учун махсус мўлжалланган *морфологик* бирликлар орқали воқеланмаган, асосан, роман, герман ва бошқа европа тиллари материалидан фойдаланилган ҳолда олиб борилган. Шу каби рус тилида ҳам тобе таксис вазифаларини бажаришга ихтисослашган асосий бирликлар сифатида тугалланган ва тугалланмаган тусдаги равишдош хизмат қилади. Бир-пайтлилик ва олдин келиш сўз ўзгартирмайдиган тус категорияси, айнан тугалланмаган ва тугалланган тус граммеммалари ёрдамида равишдош орқали ифодаланади. Яъни, бу маънолар рус тилида морфологик тус категорияси граммеммаларининг аслий функциясида қўлланилмаслиги сифатида намоён бўлади.³⁵ Инглиз тилида ҳам таксис семантикаси, асосан, конструктив синтаксис ёрдамида ифодаланиши қайд этилган. Инглиз тилида бир-пайтлилик/турли-пайтлилик (олдин – кейин келиш) муносабатлари тус-замон шакллари амал қилиши шартларининг таҳлили билан боғлиқ ҳолда узоқ муддат турли тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлган. Бунда улар гоҳ аспектвал унсур ҳосилалари, гоҳ феъл туси асосий функцияларидан бири сифатида шарҳланган. Н.Б. Телиннинг таъбирича, таксис тушунчасининг киритилгунига қадар таксис-замон маънолари анъанавий грамматика учун «азалий» муаммолардан саналган.³⁶ Таксис маъноларининг грамматик шарҳини турли пайтларда О.С. Ахманова, Н.В. Перцов, А.И. Бородина, В.А. Жеребков ва бошқа германистлар келтириб ўтишган.³⁷

Таксисни ҳам морфологик категория, ҳам морфологик категория доирасидан ташқарига, яъни янада кенгроқ бўлган ифода ва матн жабҳасига чиқувчи категория сифатида ўрганиш билан боғлиқ муаммолар узоқ вақтлардан буён аспектология ва темпорология соҳасида ишловчи рус ва бошқа чет-эл тилшунос олимларининг эътиборини ўзига жалб қилиб келмоқда.

Таксис тушунчаси, шунингдек, матнни ўрганиш билан боғлиқ бугунги тадқиқотларда микро- ва макросинтаксис ҳодисалари ўзаро муносабатини

³⁴ Маликов А.В. Изяснительные конструкции: семантика опорного слова и таксис: Автореф. дис. канд. филол. наук. – Москва, 2005.

³⁵ Бондарко А.В. Вид и время русского глагола. – М.: Просвещение, 1971. – Б. 63.

³⁶ Телин Н.Б. О системном статусе перфектного значения в функциональной грамматике // Язык: система и функционирование. – М., 1988. – Б. 236-249.

³⁷ Мишаева М.В. Типология зависимого таксиса в английском и даргинском языках: Дис. канд. филол. наук. – Махачкала, 2007. – 175 с.

ўрнатувчи ўзига хос категориялардан бири сифатида ҳам таърифланмоқда ва ривож топмоқда. Ушбу категория дастлаб тобе «ярим-предикатив» шакллар материалида,³⁸ кейинчалик эса полипредикатив комплекс доирасида «ҳаракат(факт)лар ўртасидаги пайт муносабатлари» воқеланишининг турли йўллари кўриб чиқиш билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этилган.³⁹ Сўнгги йилларда эса таксис тушунчаси, ҳаттоки, матн ичидаги предикатив бирликларга хос бўлган предикативликнинг барча компонентлари (замон, модаллик ва шахс) маъноларининг ўзаро муносабатларигача кенгайиб кириб борди.⁴⁰

Умумий тилшуносликда мазкур категория анъанавий тарзда икки, яъни қўшма гап структуравий спецификаси муаммоси билан боғлиқ *синтактик* ҳамда грамматик тус категориясининг амал қилиши тадқиқи билан боғлиқ *аспектологик* йўналишларда кўриб чиқилган. Бунда ушбу муаммо тадқиқининг икки томони етарлича умумлаштирилмаган.

Ҳозиргача таксис, асосан, синтактик тадқиқотлар доирасида ўрганилиб келинган. Бу ҳолат ўрганилган рус ва роман-герман тилларида таксис муносабатларининг воқеланишида асосий функционал «юк» айнан *синтаксис* жабҳасига тушиши билан изоҳланади. Таксис муносабатларининг қонуниятлари эса кўпчилик ҳолларда феъл шакллари амал қилган конструкцияларнинг структуравий тузилишидан келтириб чиқарилган.⁴¹

Таксис (пайт) муносабатларининг русистикада ўрганилишини шартли равишда *иккига* бўлиш мумкин бўлади: 1). иккиламчи семантик маъно сифатида ўрганилган *босқич*, ва 2). айнан таксис термини остида ўрганилган *босқич*.

Шундай бўлишига қарамасдан, ҳозирги тилшуносликда таксис категорияси бирдек тан олинмаган деб айтиш мумкин. Ҳаракат (факт)ларнинг замондаги ўзаро муносабати кўпгина тилшунослар томонидан бошқа семантик, хусусан, темпораллик ва аспектуаллик, шунингдек, ўтимли ҳисобланган аспектуал-темпорал ва аспектуал-таксис категорияларининг унсурлари сифатида шарҳланади.

Бугунги кунда таксисни мустақил категория мақомида тан олувчи мавжуд таксис концепциялари ўртасида бир-биридан принципиал жиҳатдан фарқ қилувчи **икки** асосий **концепция** ажратилади:

1) Таксиснинг мазмун плани асосий компоненти сифатида ҳаракат (факт)лар ўртасидаги нутқ пайтига нисбатан бўлмаган *олдин келиш (илгариллик) муносабати*, ифода планининг асосий компоненти сифатида эса «*перфект / ноперфект*» *морфологик оппозиция*сидан ташкил топган **морфологик концепция**.

2) Таксис мазмун планининг асосий компоненти сифатида *хронологик муносабатларнинг ҳар уччала (олдин келиш, бир пайтда келиш, кейин келиш)*

³⁸ Jakobson R. Shifters, verbal categories and the Russian verb // Russian language project (Cambridge). – Harvard University, Department of Slavic languages and literatures. 1957.

³⁹ Қаранг: ТФГ, 1987.

⁴⁰ Золотова Г.А., Онипенко Н.К., Сидорова М.Ю. Коммуникативная грамматика русского языка. – М., 1998; Мишаева М.В. Типология зависимого таксиса в английском и даргинском языках: Дис. канд. филол. наук. – Махачкала, 2007. – 175 с.

⁴¹ Ханбалаева С.Н. Алломорфизм выражения таксисных отношений (на материале русского и лезгинского, а также даргинского, аварского и английского языков): Автореф. дис. д-ра. филол. наук. – Москва, 2011. – 52 с.

турини, ифода планининг асосий компоненти сифатида эса турли сатҳ (*лексик, грамматик, лексик-грамматик ва синтактик*) воситаларининг бир-бири билан ўзига хос алоқада бўлган турли полипредикатив структураларнинг кенг инвентаридан ташкил топган **функционал-семантик концепция**. Айнан мазкур ёндашув тадқиқотимизнинг асоси сифатида олинган.

Биз ҳам кўпчилик тадқиқотчилар сингари⁴² таксисни ягона замон плани даври мобайнида икки ёки ундан ортиқ воқеа-ходиса(-факт) ўртасида хронологик муносабатларни ифодаловчи турли воситаларни қамраб олган **функционал-семантик категория (ФСК)** сифатида баҳолаймиз.

Сўнгги йилларда таксисни, худди рус тили каби *равишдошли* тиллар туркумига кирувчи доғистон ҳамда туркий тиллар материалида тадқиқ қилишга бағишланган бир қатор илмий ишлар пайдо бўлди. Ушбу тилларнинг анъанавий тарзда равишдош сифатида шарҳланиб келинган морфологик birlikлари таксис назарияси тушунчалар мажмуини қўллаган ҳолда изоҳлана бошланди. Ҳозирги таксис назарияси, асосан, айнан *морфологик таксис категорияси* мавжуд бўлмаган тиллар материалига таянади. Мазкур *морфологик категория* мавжуд бўлган доғистон ва туркий тиллар материали эса таксис борасидаги умумий назарий қараш ва тасаввурларнинг шакллантирилишида жуда кўпчилик ҳолларда эътибордан четда қолиб келган.⁴³

Нивх ва хопи тилларида тақдим этилган айнан *адвербиал* мазмундаги морфологик birlikлар парадигмаси Л. Блумфилд, Б. Ли Уорф ва Р.О. Якобсонга, илгари яхлит ҳолда тушунишга ҳаракат қилинмаган, семантик аломатларни ўзида мужассамлаштирган грамматик категорияни экспликация қилиш учун асос яратди. Улар полипредикатив ифодаларда ҳаракат(факт)лар ўртасидаги хронологик муносабатлар ҳамда шарт(ланганлик) муносабатлари ўзаро алоқаларини айнан бир категория семантикасининг турли шакллари сифатида ажратишган. Бу тилларнинг мустақил предикатга нисбатан бир-пайтлилик, олдин келиш(илгари)лик, тўсиқсизлик ва бошқа шу каби маъноларни ифодаловчи махсус морфологик birlikларини Р.О. Якобсон *равишдош* сифатида шарҳлаган.⁴⁴ У, шунингдек, рус тилида ҳам равишдош орқали ифодаланган тобе таксисни ажратган, ва, умуман, *равишдошни тобе таксис ифодаловчи хос шакл* деб ҳисоблаган.

Биз ҳам ўзбек тилида *равишдош тизимини тобе таксис ифодаловчи хос шакл* деб ҳисоблаймиз ҳамда шу асосда ўзбек тилида ҳам мустақил морфологик грамматик (**функционал-семантик**) таксис категориясини алоҳида категория тури сифатида ажратамиз.

Туркий тилларида таксис маънолари, ўрганиб чиқилган манбаларга кўра, нисбатан тўлиқ ва яхлит тизимли тарзда фақатгина тува ҳамда татар тилларида эргашган кўшма гаплар доирасида *равишдошли, сифатдошли, сифатдош-*

⁴² Қаранг: Мишаева, 2007; Максимова, 2005; Панин, 1992; Семёнова, 2004; Сидинхе, 1991; Маликов, 2005; Тоечкина, 2004; Ханбалаева, 2005, 2011; Лященко, 2007; Азисова, 2004; Нематуллаева, 2002 ва бошқ.

⁴³ Ханбалаева С.Н. Алломорфизм выражения таксисных отношений (на материале русского и лезгинского, а также даргинского, аварского и английского языков): Автореф. дис. д-ра. филол. наук. – Москва, 2011. – 52 с.

⁴⁴ Қаранг: Якобсон Р.О. Шифтеры, глагольные категории и рус. глагол, пер. с англ., в кн.: Принципы типологического анализа языков различного строя, – М., 1972. – Б. 102-117.

келишикли, сифатдош-кўмакчили конструкцияларнинг тадқиқи билан боғлиқ ҳолда, жумладан турли европа тиллари билан қиёсий жиҳатдан ҳам ўрганиб чиқилган.⁴⁵

Герман тиллари, хусусан, инглиз тили материалида таксис тадқиқига бағишланган ишлар, гарчи ушбу тушунчанинг ўзи аслида инглиз-забон фанида вужудга келган бўлишига қарамасдан, бугунги кунга келиб унчалик кўпчилиқни ташкил этмайди.

Замонавий туркология бўйича адабиётларни кўздан кечириш мобайнида шу нарса маълум бўладики, туркий тилларда таксиснинг мустақил категория сифатида ўрганилиши эндигина бошланмоқда.⁴⁶

Ҳозиргача туркий тиллар, хусусан, ўзбек тилшунослигида таксис лисоний ҳодисаси ва муаммосига ҳамда уни ҳосил қилувчи грамматик воситалар ўртасидаги семантик муносабатларга бағишланган махсус тадқиқотлар олиб борилмаган. Шундай бўлишига қарамасдан, таъкид жоизки, бугунги фанда таксис категорияси билан боғлиқ лисоний ҳодисалар, қайсидир маънода, туркий, хусусан, ўзбек, татар ва тува каби тиллар грамматикалари бўйича олиб борилган тадқиқот ҳамда умумий ишларда, бошқа-бошқа терминологиялар остида бўлса ҳам, қисман ўрганилган ва ёритилган.⁴⁷

Шу маънода, бугунги кунда тилшунослик соҳасида туркий тиллар, хусусан, ўзбек тили материалида таксис ҳодисасини ҳар томонлама ўрганиш, айниқса, бу категория нисбатан батафсил тарзда ёритилган славян (хусусан, рус) ва роман-герман (хусусан, немис, инглиз, француз) тиллари билан қиёсий-типологик аспектда тадқиқ қилиш долзарб масалалардан бири саналади.

Диссертациянинг учинчи боби «**Функционал таксемалар тадқиқи**» деб номланиб, унда феъл функционал шаклларида тобе таксис семантикасининг ифодаланиши ва равишдош ҳамда сифатдошнинг таксис конверби сифатидаги вазифалари функционал-семантик жиҳатдан аниқланиб, тадқиқ этилган.

Адвербиал мазмундаги морфологик бирликларнинг парадигмалари Л. Блумфилд, Б. Ли Уорф ва Р.О. Якобсонга илгари яхлит тарзда идрок қилинмаган семантик аломатларни бирлаштирувчи грамматик категорияни таҳлил қилиш ҳамда ривожлантириш учун асос вазифасини ўтаган.⁴⁸ Улар полипредикатив ифодада ҳаракат(факт)лар ўртасидаги хронологик ҳамда шарт(ланганлик) муносабатлари ўзаро алоқаларини айнан бир категория семантикасининг турли кўринишлари сифатида ажратишган. Ушбу тилларнинг мустақил предикатга нисбатан бир-пайтлилик, олдин келиш, тўсиқсизлик ва шу каби бошқа маъноларни англатувчи махсус морфологик бирликларини Р.О. Якобсон умумлаштириб *равишдош* сифатида талқин қилган. Шунингдек, у рус тилида ҳам равишдош билан ифодаланган тобе таксисни ажратган ва,

⁴⁵ Қаранг: Ондар, 1999; Азисова, 2004; Салчак, 2006; Хасанова, 2007; Ханбалаева, 2011 ва бошқ.

⁴⁶ Салчак Ш.Х. Зависимый таксис в тувинском языке в сопоставлении с английским языком: Дис. канд. филол. наук. – М., 2006. – 261 с.

⁴⁷ Қаранг: Сайфуллаева, 2010; Салчак, 2006; Азисова, 2004 ва бошқ.

⁴⁸ Қаранг: Блумфилд, 1946; Уорф, 1946; Якобсон, 1972.

умуман, равишдошни тобе таксисни ифодаловчи хос шакл сифатида баҳолаган.⁴⁹

Таксис – бу таксис жуфтлигини ташкил этувчи камида икки феъл шакллариининг ўзаро муносабатидир. Таксис категорияси нуқтаи-назаридан улар тенг ҳуқуқли эмас; бу шакллардан бири муस्ताқил, иккинчиси эса грамматик ва семантик жиҳатдан тобе саналади. Уларни ифодалаш учун бошқа тилшунослар сингари «таянч (асос) шакл» ва «тобе шакл» терминларидан фойдаландик.⁵⁰

Ўзбек, татар, инглиз, немис, рус ва бошқа шу каби тиллар феълнинг *финит* (шахси маълум; соф кесимлик шакли) ва *инфинит* (шахси номаълум ёки феълнинг функционал (вазифа, хосланган) шакллари) шакллариини фарқловчи тиллар туркумига мансуб.

Одатда, **тобе шакл** ўрнини феълнинг *инфинит* (*функционал, вазифа, хосланган*) шакллари, яъни *равишдош, сифатдош, инфинитив, герундий* ва *ҳаракат номи* эгаллайди, **таянч (асос) шакл** вазифасида эса, гарчи *инфинит* шакллардан ҳам фойдаланиш мумкин бўлсада (иккитадан ортиқ шаклларнинг муносабати хусусида сўз борса), кўпинча, *финит* феъл иштирок этади. Таянч (асос) шакл ўрнида инфинит феъл шакллариини фойдаланилганда (масалан, муस्ताқил таксис амал қилган ҳолларда), феълнинг финит шакллари тобе шакл вазифасини бажариши мумкин.⁵¹

Таксис мазмунидаги барча морфологик бирликларни умумлаштириб ифодалаш учун бошқа таксисшунослар сингари «*конверб*» терминидан фойдаланишни маъқул топдик. Ушбу термин дастлаб В.П. Недялков томонидан ҳол вазифасида (адвербиал функцияни бажарадиган) иштирок этадиган ҳамда ноэллиптик гапнинг ягона феъл шакли бўла олмайдиган феълнинг инфинит шакллариини ифодалаш мақсадида таклиф қилинган. Бу каби бирликлар, бугунги кундаги тушунилишига кўра, ҳам *адвербиал*, ҳам *адъектив* ёки *субстантив* семантикага эга бўлиши мумкин.⁵²

И.П. Иванова, В.В. Бурлакова ва Г.Г. Почепцовларнинг фикрига кўра, инглиз тилида феълнинг барча грамматик категориялари феълнинг финит (предикатив, шахси маълум) шакллари доирасида амал қилади.⁵³ Феълга мансуб грамматик категориялар сифатида эса *замон, нисбат* ва *майл* категориялари санаб ўтилади. *Тус* категорияси эса, номаълум сабабларга кўра, бу қаторга киритилмаган. Ушбу ўринда уларнинг фикрига кўшилмаймиз. Сабаби, яна бир феълга мансуб грамматик категория ҳам мавжудки, у *инфинит* (нопредикатив, шахси номаълум) шаклларда ҳам бирдек амал қилаверади. У ҳам бўлса – *таксис* категориясидир. Масалан: *Inviting him to my den, I thought of an alibi to retire.* Айнан *инфинит шакллар* инглиз ва бошқа герман, ҳаттоки, айрим туркий тилларида ҳам таксис

⁴⁹ Якобсон Р.О. Шифтеры, глагольные категории и рус. глагол, пер. с англ., в кн.: Принципы типологического анализа языков различного строя. – М., 1972.

⁵⁰ Недялков И.В., Отаина Т.А. Типологические и сопоставительные аспекты анализа зависимого таксиса (на материале нивхского языка) // ТФГ 1987. – Л.: Наука, 1987. – Б. 296-319.

⁵¹ Маликов А.В. Изъяснительные конструкции: семантика опорного слова и таксис: Автореф. дис. канд. филол. наук. – Москва, 2005. – Б. 11.

⁵² Недялков В.П. Основные типы деепричастий // Типология и грамматика. – М., 1990. – Б. 14.

⁵³ Иванова И.П., Бурлакова В.В., Почепцов Г.Г. Теоретическая грамматика современного английского языка. – М.: Высшая школа, 1981. – Б. 1, 6, 7.

маъносини ифодаловчи махсус фаол оператор (таксема)лар саналади. Уларни айрим тилларда умумлаштириб баъзан «равишдош» туркумига киритишади ва шундай аташади. Бунга баъзи туркий тиллардаги *равишдош тизимининг*, герман туркумидаги айрим тилларнинг *инфинит шакллари* билан функционал ўхшашлиги сабаб бўлади деб ҳисоблаймиз.

Феълнинг нутқда қўлланишга хосланган шакллари унинг функционал (вазифавий, амалий) шакллари дир. Улар гап ичида маълум синтактик вазифани бажариб, феълнинг хосланган шакллари вазифадош (хосланган) шакллар (айрим манбаларда вазифа шакллари ёки турлари) деб ҳам аталади.⁵⁴ Буларга *соф феъл (кесимлик шакли), равишдош, сифатдош, ҳаракат номи, инфинитив* ҳамда *герундий* киради. Герман тилларида, хусусан, инглиз тилида улар феълнинг ноаниқ ёки предикатив бўлмаган шакллари (инглизча: *Infinite ёки Non-finite Forms of the Verb; Verbals; Verbids*) деб аталади.⁵⁵

Турли тизимли инглиз ва ўзбек тиллари ҳам бундай шакллардан мустасно эмас. Тадқиқот натижалари уларнинг иккала тилда ҳам таксис маъноларини ифодаловчи фаол марказий грамматик воситалар эканлигини кўрсатади. Таъкид жоизки, ўзбек тилида шу пайтгача таксис функционал-семантик категорияси алоҳида мустақил категория сифатида ажратилмаган ва тадқиқ қилинмаган. Алқисса, феъл функционал шакллариининг аспектвал-таксис муносабатларини ифодалаши ҳам ханузгача ўрганилмаган, бошқача қилиб айтганда, феълнинг функционал шакллари таксис назарияси нуқтаи назаридан таҳлил қилинмаган. Ваҳоланки, улар герман (инглиз, немис, швед, норвег, дат ва б.ш.к.) тилларида бўлгани каби, туркий (татар, тува, қорачой, қозоқ, қирғиз, озарбайжон ва б.ш.к.) тилларида, жумладан ўзбек тилида ҳам таксис семантикасини ифодаловчи махсус, кўп ҳолларда, ихтисослашган марказий таксемалар ролини бажариши мумкин.⁵⁶

Дунёнинг бошқа тилларида бўлгани каби ўзбек тилида ҳам универсал таксис грамматик (морфологик) ва функционал-семантик категорияси мавжуд деб айта оламиз. Мисоллар: *Уйдан чиқаётиб, ҳамёнини унутиб қодирди. Масжиддан узоқлашгач, отини қамчилади. Ҳужжатларини кўздан кечирди, кўзойнагини артди, дасрўмолчасини чўнтагига солди.*

Ўзбек тилида феълнинг грамматик функционал шакллариини *соф феъл, ҳаракат номи, сифатдош* ва *равишдош* ташкил этади.

Инглиз тилида эса бу қаторга *инфинитив* (функционал-семантик жиҳатдан ўзбек тилидаги *соф феълга* яқин туради) ва *герундий* ҳам қўшилади.

Дунёнинг бошқа, хусусан, доғистон (лезгин, авар ва даргин) тилларида феълнинг функционал шакллари «равишдош» туркумига киритилади ва таксис ифодаловчи махсус морфологик воситалар сифатида қаралади.⁵⁷

Бугунги кунда таксис ифодаловчи асосий марказий воситалар ҳисобланмиш инфинит (функционал) шакллар (ёки, умумлаштирилган ҳолда конверблар) тадқиқ қилинган тилларда, айниқса ўзбек тилида етарли даражада тўлиқ ва тизимли ўрганилмаган. Уларнинг батафсил ва яхлит тадқиқи, бир

⁵⁴ Жамолхонов Х.А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. I-II қисмлар. – Т., 2005.

⁵⁵ Қаранг: Sweet, 1995; Kaushanskaya et al., 1959, 1967.

⁵⁶ Қаранг: Лященко, 2007; Исаров, 2009; Бородин, 1973; Азисова, 2004; Салчак, 2006; Хасанова, 2007.

⁵⁷ Қаранг: Керимов, 2008; Мишаева, 2007; Ханбалаева, 2005, 2011.

тарафдан таксис умумий назариясининг бойитилишига хизмат қилса, бошқа бир тарафдан инфинит (функционал) шаклларнинг эътибордан четда қолаётган айрим грамматик ҳамда функционал-семантик жиҳатларининг янгидан аниқланишига олиб келади деб ўйлаймиз.

Диссертациянинг «**Таксемалар функционал-семантик ва транслотологик тадқиқи**» деб номланган тўртинчи бобида инглиз ва ўзбек тилларида таксис функционал-семантик категориясини воқелантирувчи турли тил сатҳ бирликлари, яъни симультан, приор ва постериор таксемалар аниқланиб, функционал-семантик ҳамда транслотологик жиҳатдан таҳлилга жалб этилган.

Умумий таксис назарияси ва муаммосига бағишланган назарий-илмий манбаларда таксис категориясининг кўпроқ айнан *таксис* термини билан аталганини гувоҳи бўлдик. Ўз навбатида, биз ҳам ушбу категорияни *таксис* номи билан аташни маъқул деб топдик.

Ғ.М. Хошимовнинг фикрига кўра, аввало, таксиснинг грекча талқинидан келиб чиқиб, уни «тартиб, жойлашув тартиби» деб олинадиган бўлса, у «замон таксиси (темпорал таксис)»дангина иборат эмас. Тилшуноснинг таъкидлашича, умумий таксис назариясида таксиснинг **1) замон таксиси (темпорал таксис); 2) макон таксиси (локатив (ёки локал) таксис); 3) шахс таксиси (персонал таксис)** турларини ажратиш лозим. Шу йўсинда, олим «замон таксиси» билан бир қаторда «макон ва шахс таксислари»нинг ҳам мавжудлигини илгари суради.⁵⁸ Тилшуноснинг назарий қарашларига қўшилган ҳолда, тадқиқотимизда таксиснинг бир муҳим дастлабки тури, яъни «*замон таксиси – темпорал таксис*» функционал-семантик ва транслотологик тадқиқига асосий эътиборни қаратдик. Умумий таксис назариясида эса, таксиснинг барча турлари тадқиқ қилиниши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Таксис семантикаси ва муносабат турларини воқелантирувчи турли сатҳ тил бирликларини ифодалаш учун «*такс*», «*таксон*», «*таксоном*», «*таксема*», «*таксем*», «*таксим*», «*таксисема*», «*таксис ифодаловчиси*», «*таксис воқелантирувчиси*», «*таксис оператори*», «*таксис вербализатори*», «*таксис актуализатори*», «*таксис сигнификатори*», «*таксис сигнализатори*» каби терминларни ясаган ҳолда вариант сифатида кўриб чиқдик ва уларнинг орасидан таксис категорияси моҳиятини ўзида нисбатан тўлиқроқ акс эттира оладиган ҳамда термин ҳосил қилиш талаблари (аниқлик ва қисқалик)га кўп жиҳатдан жавоб бера оладиган «**таксема**» вариантини танладик. Тадқиқот ишимизда аниқланган, тадқиқ ва таҳлил қилинган таксис семантикаси ва муносабатларини ифодалаш учун хизмат қиладиган ҳар қандай лисоний восита(лар)ни «**таксема**» термини билан аташни маъқул деб топдик.

Шу ўринда тадқиқотда фактик материални тадқиқ этишда таянилган асосий методология хусусида тўхталиб ўтиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Инглиз ва ўзбек тилларида таксемаларни тадқиқ ва таҳлил қилишда таксис микромайдон (микркатегория)лари назариясига муқобил ёндашув асосидаги методологияга амал қилдик. Уни қуйидагича шарҳлаймиз:

⁵⁸ Хошимов Ғ.М. (Диссертация муҳокамаси vis-à-vis суҳбатидан).

Таксис полицентрик типдаги майдонлар туркумига мансуб. Мазкур майдоннинг полицентрик (бицентрик) структураси *тобе* ҳамда *мустақил таксис* функцияларининг фарқи билан белгиланади.

Тобе таксис – бу ҳаракат(факт)лар ўртасидаги пайт (хронологик) муносабатлари бўлиб, улардан бири асосий (бош), бошқаси (ёки бошқалари) эса ёндош (ҳамроҳлик қилувчи) бўлган ҳаракат(факт)лар ҳисобланади.

Мустақил таксис асосий (бош) ва ёндош (ҳамроҳлик қилувчи) ҳаракат(факт)ларнинг эксплицит, расмий ифодаланган табақаланиши мавжуд бўлмаган ҳаракат(факт)лар ўртасидаги пайт (хронологик) муносабатларини назарда тутди. Таксис муносабатлари унсурларининг тўла тенг ҳуқуқли эмаслиги оттенкалари кузатилиши ҳам мумкин, аммо улар расмий ифодаланишга эга эмас ҳамда у ёки бу форма ва конструкцияларнинг грамматик маънолари саналмайди.⁵⁹

Тобе ва мустақил таксис ўртасидаги фарқ ушбу функционал-семантик майдон (категория)ни ҳар бири ўзининг *марказий* ҳамда *чекка* компонентлари билан тавсифланадиган икки жабҳага ажратилишини шарт қилиб қўяди.⁶⁰

Биз илгари сураётган ва амал қиладиган методологияга биноан рус тилшунослари *таксис микромайдонлари* деб ҳисоблаган нарсаларни *микромайдонлар* деб эмас, балки таксис маъносини ифодаловчи формаларнинг тобеликка кўра икки тури деб қараймиз, чунки улар микромайдон бўлишлари учун, макромайдонлар каби, ўз ифода ва мазмун планларига эга бўлиши керак.⁶¹ Улар микромайдонлар деб атаган тобе ва мустақил таксислар бир-бирларидан фарқ қилувчи, яъни бир-бирларига қарама-қарши турувчи мазмун планларига эга эмас. Уларнинг иккаласи ҳам бир-пайтлилик, олдин ва кейин келиш маъноларини ифодалайди. Синтактик тобелик ва синтактик мустақилликнинг (тенглиликнинг) семантика билан алоқаси йўқ, шунинг учун таржимада бир тилдаги тобе таксисга иккинчи тилда мустақил таксис тўғри келиши мумкин. Синтактик тобелик ва синтактик мустақиллик объектив борлиқдаги воқеалар ўртасидаги муносабатни акс эттирмай, нутқдаги элементлар (гап бўлаклари) ўртасидаги синтактик алоқаларни акс эттиради.

Биз ажратган макротаксисдаги учта микромайдон (микрокатегория) эса микромайдон(микрокатегория)ларни ажратиш тамойилларига тўлиқ жавоб беради, чунки улар ўз ифода плани ва ифода мазмунига эга. Биринчиси—олдин келишни, иккинчиси—бир-пайтлиликни, учинчиси—кейин келишни ифодалайди. Бу маънолар универсал маънолар бўлиб, бир-бирларига қарама-қарши туради ва дунёдаги воқеалар ўртасидаги замон (пайт) бўйича юқорида кўрсатилган уч хил тартибни акс эттиради. Шунинг учун, таксиснинг микромайдон(микрокатегория)лари таржимада ҳам сақланиб қолади, яъни биринчи микромайдон (микрокатегория) биринчи микромайдон (микрокатегория)га, иккинчи микромайдон (микрокатегория) иккинчи микромайдон(микрокатегория)га, учинчиси учинчисига тўғри келади.

⁵⁹ Қаранг.: ФГН, 1987.

⁶⁰ Қаранг.: ўша асар.

⁶¹ Қаранг.: Бондарко А.В. Грамматическая категория и контекст. – Л.: Наука, 1971. – Б. 27-71.

Бизнинг ишда воқеаларнинг замондаги (хронологик) тартиби маъноси таксис макромайдон(макрокатегорияси)нинг категориал маъносидир, у микромайдон(микрокатегория)лар маъноларига нисбатан умумийдир (русча: «родовое значение»), микромайдон(микрокатегория)лар маънолари (олдин келиш, бир-пайтлилик, кейин келиш) эса категориал маънога нисбатан жузъий маънолардир (русча: «видовые значения»).

Юқорида келтирган методологиямизга кўра (ва асосланган ҳолда) тадқиқотимизда таксис микромайдон(микрокатегория)лари **1) симультан таксис (бажарилиш, содир бўлиш, воқеланиш) микромайдони (микрокатегорияси), 2) приор таксис (бажарилиш, содир бўлиш, воқеланиш) микромайдони (микрокатегорияси) ва 3) постериор таксис (бажарилиш, содир бўлиш, воқеланиш) микромайдони (микрокатегорияси)**га кўра ажратилди ҳамда учала микромайдон (микрокатегория)лар биргаликда таксис макромайдони (макрокатегорияси)ни ҳосил қилиши аутентик манбалардан олинган эмпирик мисоллар тадқиқи ва таҳлили асосида далилланди.

Шу йўсинда, илгари сурилган назарий асос, қараш ва таянч нуқталаримиздан келиб чиқиб ҳамда танланган функционал-семантик методологияга таяниб, тадқиқотимиз давомида ва, хусусан, ушбу амалий-таҳлилий фаслда инглиз ва ўзбек тилларидаги **симультан, приор** ва **постериор таксемаларни** аниқлаб, уларнинг функционал-семантик ва транслотологик тадқиқи ва таҳлилини амалга оширдик.

Тадқиқот давомида таксиснинг турли тил сатҳлараро умумий ифодаланиш воситалари, яъни **таксемаларга** кўра, қуйидаги турларини аниқладик ва фарқладик:

1. Морфологик(морфо)-таксис — морфо-таксема.
 - 1.1. Темпорал(темпо)-таксис — темпо-таксема.
 - 1.2. Адвербиал(равишдошли)-таксис — адвербо-таксема.
 - 1.3. Партиципиал(сифатдошли)-таксис — партиципо-таксема.
 - 1.4. Герундиал(герундийли)-таксис — герунд-таксема.
 - 1.5. Инфинитив(инфинитивли)-таксис — инфинитив-таксема.
 - 1.6. Аффиксал(префиксал, суффиксал)-таксис — аффикс(префикс, суффикс)-таксема.
2. Синтактик(синтактико)-таксис — синтактико-таксема.
 - 2.1. Фраза(фраземик)-таксис — фразо-таксема.
 - 2.2. Гап(сентенциал)-таксис (сода ва қўшма гап) — сентенцо-таксема.
 - 2.3. Матн(текстуал)-таксис — тексто-таксема.
3. Лексик(лексо)-таксис — лексо-таксема.
 - 3.1. От(субстантив)-таксис — субстантив-таксема.
 - 3.2. Феъл(вербал)-таксис — вербал-таксема.
 - 3.3. Равиш(адверб)-таксис — адверб-таксема.
 - 3.4. Сифат(адъектив)-таксис — адъектив-таксема.
 - 3.5. Сон(нумерал)-таксис — нумерал-таксема.
 - 3.6. Боғловчи-таксис — боғловчи-таксема.
 - 3.7. Предлог-таксис — предлог-таксема.

ХУЛОСА

Тадқиқот натижасида қуйидаги илмий-назарий хулосаларга келинди:

1. Объектив оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг динамиклик хусусияти мавжудлигининг ўзигина таксис муносабатлари воқеланишини шарт қилиб қўяди. Шу ҳолатдан келиб чиқилган бўлса, таксис категорияси ҳам универсал фалсафий-мантикий(тушунча) ва лисоний категориялари сирасидан жой олади.

2. Функционал-семантик таксис категориясининг универсал табиати уни ифодаловчи шаклларни турли тизимли, жумладан генетик ва типологик нуқтаи назардан бир-биридан йироқ бўлган инглиз ва ўзбек тилларида ҳам қиёсий ҳамда универсал-типологик жиҳатдан ўрганиш имконини беради. Бу каби тадқиқотларнинг амалга оширилиши типология учун аҳамиятли бўлган қиёсланаётган тилларда таксиснинг грамматикализацияси даражаси ҳамда таксис маънолари номенклатураси ва уларнинг лисоний ифодаланиш йўллари борасидаги зарур маълумотларни олиш имконини беради. Турли тизимли тилларда аниқланган ўхшашлик ва фарқлар типологик қаторларни тузиш учун асос вазифасини ҳам ўтайди.

3. Таксис тил тизимларининг семантик ва синтактик тузилиш қонуниятлари, уларнинг таркибига кирувчи birlikларнинг функционал қуввати ҳамда айнан муайян бир тил тафаккурига хос бўлган дунёнинг динамик манзарасини лисоний жиҳатдан моделлаштириш каби махсус имкониятларни истиқболли ўрганиш борасида махсулдор категория ҳисобланади.

4. Масаланинг бугунги ишлаб чиқилиш ҳолати таксис муносабатларининг алоҳида таҳлил предметиға ажратилиши учун қулай замин яратади. Шундай бўлишиға қарамасдан, ҳозирги тилшуносликда таксис категорияси бирдек тан олинмаган деб айтиш мумкин. Ҳаракат (факт)ларнинг замондаги ўзаро муносабати кўпгина тилшунослар томонидан бошқа семантик, хусусан темпораллик ва аспектуаллик, шунингдек, ўтимли ҳисобланган аспектуал-темпорал ва аспектуал-таксис катеорияларининг унсурлари сифатида шарҳланади. Бу каби зиддиятларнинг сабаби нафақат тасвирланаётган объектнинг мураккаблиги, балки турли муаллифларнинг ишларида «аспектуаллик», «темпораллик», «таксис» терминлари шарҳининг кўп маънолилиги билан ҳам изоҳланади. Таксис семантикасининг мураккаблиги ва ҳилма-хиллиги, унинг турли тил грамматик категориялар тизимида тутган ўрни ва таксис жуфтлиги структураси ҳамда таксиснинг мазмуний тавсифи борасидаги баҳслар хаттоки таксисни мустақил категория сифатида баҳоловчи тилшунослар орасида ҳам учрайди.

5. Таксиснинг замонавий назарияси, асосан, айнан *морфологик таксис категорияси* мавжуд бўлмаган тиллар материалиға таянади. Аксинча, морфологик таксис категорияси амал қилган туркий тиллар материали эса таксис борасидаги умумий назарий қараш ва тасаввурларнинг шакллантирилишида жуда кўпчилик ҳолларда эътибордан четда қолган.

6. Таксис категорияси тавсифи учун муҳим бўлган натижалар, асосан, ушбу категория синтактик воситалар орқали ифодаланадиган рус, герман ва

роман тиллари материалининг қиёсий ҳамда типологик тадқиқи асосида олинган. Таксис муносабатларини морфологик жиҳатдан ифодалаш имкониятига эга бўлган кўпгина туркий қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз ва б.ш.к. тиллар, жумладан ўзбек тили мисолида эса мазкур категория ҳанузгача ишланмаган.

7. Муайян бир тилда таксис категорияси аломатларининг ифодаланиш воситаларини аниқлаш орқали унинг таксис ФСМини тасвирлаш мумкин бўлади. Мабодо, ушбу ФСМ конституентлари орасида айнан таксис функцияларини ифодалашга махсус мўлжалланган морфологик (синтетик ёки аналитик) бирликлар ҳам бўлса, у ҳолда бу тилда морфологик грамматик таксис категориясининг мавжудлиги тўғрисида гапириш мумкин бўлади.

8. Таксис ФСКси жабҳасига мансуб семантик аломатлар анъанавий грамматикаларда алоҳида тарзда тасвирланмаган. Улар кўпинча *равишдош, нисбий замон шакллари* ва *пайт ҳоли эргашган қўшма гаплар* тавсифи билан боғлиқ ҳолда ёритилган. Равишдош шаклларида таксиснинг ўрганилиш тарихи бошланган. Умуман олганда тобе таксис мустақил таксисга нисбатан анча батафсил тасвирланган. Мустақил таксис шарҳида эса ҳамон қарама-қаршилиқлар учрайди.

9. Синтактик муносабатлар орасида таксис муносабатлари муҳим ўринни эгаллайди. Таксис ФСКсининг ўзига хос муҳим жиҳати унинг *категориялараро ўзаро алоқа-муносабатлар* жабҳасига кирганлигидир. Таҳлил натижалари таксис ўзи соф ҳолда, ҳеч қандай семантик ва модал қўшимча маъноларнинг иштирокисиз мавжуд бўла олмаслигини тасдиқлади. Таксис муносабатлари доим бошқа семантик маънолар билан бирикиб, мураккаблашган ҳолда келади. Улар асосий кўпчилик ҳолларда аспектвал, темпорал, сабаб-натижа, мақсад ва б.ш.к. муносабатлар билан биргаликда бир синтактик қолипда воқеланади. Айнан шу сабабдан мураккаблашган ёки имплицит таксис муносабатлари юзага келади.

10. Ўзбек тилшунослигида ҳозиргача таксис функционал-семантик категорияси алоҳида мустақил категория сифатида ажратилмаган, уни ифодаловчи барча лисоний воситаларни тизимли-мажмуавий тарзда тадқиқ қилишга бағишланган алоҳида илмий-тадқиқот ишлари мавжуд эмас. Шундай бўлишига қарамасдан, бугунги фанда таксис категорияси билан боғлиқ лисоний ҳодисалар, қайсидир маънода, туркий, хусусан, ўзбек, татар ва тува каби тиллар грамматикалари бўйича олиб борилган тадқиқот ҳамда умумий ишларда, бошқа-бошқа терминологиялар остида бўлса ҳам, қисман ўрганилган ва ёритилган. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги кунда тилшунослик соҳасида туркий тиллар, хусусан, ҳозирги ўзбек адабий тили материалида таксис ҳодисасини ҳар томонлама ўрганиш, айниқса, бу категория нисбатан батафсил тарзда ёритилган славян (хусусан, рус) ва роман-герман (хусусан, немис, инглиз, француз) тиллари билан қиёсий-типологик аспектда тадқиқ қилиш долзарб масалалардан бири саналади.

11. Ўзбек тилида махсус морфологик таксис категорияси мавжуд деган илмий-назарий фикр ва хулосани илгари сурамиз. Ўзбек тилидаги *равишдош тизимини* тобе таксис ифодаловчи хос шакл деб ҳисоблаймиз ҳамда шу асосда

ўзбек тилида ҳам мустақил грамматик (морфологик) ва функционал-семантик таксис категориясини алоҳида категория тури сифатида ажратдик.

12. Ҳозирги инглиз ва ўзбек тилларида функционал-семантик таксис майдони *акционал (предикатив) ядроли* майдонлар туркумига кирувчи ҳамда шу ва бошқа гуруҳларга мансуб майдонлар билан ўзаро алоқа-муносабатга киришишига кўра тавсифланувчи *полицентрик* майдон саналади.

13. Таксис ва замонлар нисбийлиги (референцияси) категориялари ўзаро муносабатларининг таҳлили улар бир-бирига мос келмайди деган хулосага келишга асос ва имкон яратади. Илгари сурилган ва таянилган функционал-семантик концепцияга биноан *нисбий замон* шакллари (мустақил категорияси)ни таксис ифодаловчи асосий грамматик (морфологик) воситалардан бири ҳамда таксис функционал-семантик майдонининг марказий қисмидан ўрин олади деб ҳисоблаймиз.

14. Инглиз ва ўзбек тилларида *равишдошли* (инглиз тилида равишдошнинг функционал-семантик вазифаларини сифатдош бажаради) ҳамда *сифатдошли қурилмалар* тобе таксис жабҳасини ҳосил қилади.

15. Тадқиқот натижалари феъл функционал шаклларининг инглиз ва ўзбек тилларида ҳам таксис маъноларини ифодаловчи фаол марказий грамматик морфо-таксемалар эканлигини тасдиқлади. Уларнинг таксис муносабатларини ифодаловчи функционал-семантик хусусиятлари таксис назарияси нуқтаи назаридан ҳанузгача етарлича ўрганилмаган. Ваҳоланки, улар инглиз тилида бўлгани каби, ўзбек тилида ҳам таксис семантикасини ифодаловчи махсус, кўп ҳолларда, ихтисослашган марказий таксемалар вазифасини бажариши мумкинлиги аниқланди.

16. Ўзбек тилида нофинит таксис конверблари орқали ифодаланадиган барча таксис муносабатлари инглиз тилида эргаш гап конструкциялари билан ҳам ифодаланиши мумкин (яъни, асосан, *синтаксис жабҳаси* (конструктив синтаксис)да намоён бўлади).

17. Сифатдош тизими инглиз тилида, худди ўзбек тилидаги равишдош комплекси сингари, *тобе таксис жабҳасининг* (структур турининг) таксема (восита, оператор)ларидан бири вазифасини бажариши мумкин ва таксис ФСМдан жой олади.

18. Турли тилларда (хусусан, туркий, доғистон ва айрим славян тилларида) тобе таксиснинг марказий компоненти сифатида *тугалланган* ва *тугалланмаган тусдаги равишдошли конструкциялар* иштирок этади. Бу каби тизимга эга бўлган тилларда *сифатдошли конструкциялар*, ўз навбатида, марказдан четда жойлашган компонентлар сирасига киради. Равишдош тизими мавжуд бўлмаган герман тиллари, масалан, инглиз ва немис тиллари хусусида бундай фикрни билдириб бўлмайди. Ҳолбуки, бу каби тилларда равишдошнинг функционал-семантик вазифаларини, аксинча, айнан сифатдош бажаради ҳамда тобе таксис ифодаловчи марказий компонент (таксема, восита, оператор, синтаксема) ўрнини эгаллайди.

19. Инглиз ва ўзбек тиллари таксис муносабатларини лексик йўл билан ифодалашнинг бой захираси(лексо-таксемалари)га эга эканлиги аниқланди.

20. Симультан, приор ва постериор муносабатларини ифодаловчи микро-майдонлар спецификаторларга эга бўлиб, улар фактлар ўртасидаги темпорал масофани даражалаштириб ифодалайди. Спецификаторлар ҳам таксис категориясига, ҳам замон категориясига хизмат қилиши мумкин.

21. Таксемалар тадқиқи давомида сўз туркумлари бўйича аниқланган таксемалар (мустақил морфологик таксемалар (ўзларининг семантикасига кўра бевосита таксема мақомини олади)) қуйидагилар:

1. Феъл-таксемалар (вербал-таксемалар).
2. От-таксемалар (субстантив-таксемалар).
3. Равиш-таксемалар (адверб-таксемалар).
4. Сифат-таксемалар (адъектив-таксемалар).
5. Сон-таксемалар (нумерал-таксемалар).
6. Боғловчи-таксемалар.
7. Предлог-таксемалар.

**УЧЁНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

**ДЖИЗАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

ИСАРОВ ОМОН РИСАЛИЕВИЧ

**ФУНКЦИОНАЛЬНО-СЕМАНТИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ
КАТЕГОРИИ ТАКСИСА
(на примере английского и узбекского языков)**

**10.00.06 – Сравнительное литературоведение, сопоставительное
языкознание и переводоведение**

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОЛОГИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора филологических наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2020.4.DSc/Fil257.

Диссертация выполнена в Джизакском государственном педагогическом институте.

Автореферат диссертации размещён на трех языках (русском, узбекском, английском (резюме)) на веб-странице Научного совета (www.nuu.md.uz), а также на информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу www.ziyonet.uz.

Официальные оппоненты:

Расулова Махфуза Инамовна
доктор филологических наук, профессор

Хошимов Ганижон Мирзахмедович
доктор филологических наук, профессор

Усмонова Шоира Рустамовна
доктор филологических наук, профессор

Ведущая организация:

**Ташкентский государственный университет
узбекского языка и литературы**

Защита состоится на заседании научного совета DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 при Национальном университете Узбекистана «__» _____ 2021 года в ____ часов. (Адрес: 100174, город Ташкент, улица Фарабий, дом 400. Тел.: (99871)246-08-62; (99871)227-10-59; факс: (99871)246-65-24, e-mail: paika@nuu.uz. Национальный университет Узбекистана, факультет Зарубежной филологии (1 этаж, 112-кабинет).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована под номером ____). Адрес: 100174, город Ташкент, улица Фарабий, дом 400. Тел.: (99871)246-08-62.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2021 года.

(реестр протокола рассылки №__ от «__» _____ 2021 года.)

А.Г.Шереметьева

Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.филол.н., профессор

Н.Э.Абдуллаева

Ученый Секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
философии по филологическим наукам
(PhD)

И.А.Сиддикова

Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению ученых
степеней, д.филол.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в дисциплине мировой филологии еще более увеличилось стремление к реализации фундаментальных работ по речевой деятельности человека и возможностей описания языковой картины мира. По этой причине, еще более актуализируется анализ и исследование таксиса, фазовости, субъективности, объективности, темпоральности, локативности, модальности, аспектуальности, интенсивности, цели, причины, условности и других подобных функционально-семантических категорий, а также понимания и выявления онтологической сущности этих событий, вопрос раскрытия их межъязыковых связей и определяет при этом перспективу будущих исследований. В том числе, понимание в функционально-семантическом отношении синтаксико-семантического и дейктического статуса языковых категорий, указывающих на время и порядок происходящих событий, выполняемых действий и «фактов», происходящих, занимающих место, находящих свое отражение в объективном бытии в целом, приобретает в лингвистике важное значение.

Широкомасштабное изучение категории таксиса в научных школах мировой лингвистики создает возможность раскрытия функционально-семантической и синтаксико-семантической природы данного явления, выявления и различения его функциональных и дейктических особенностей, демонстрации взаимной соразмерности устойчивых и непостоянных признаков. Особенно, в сравнительном аспекте мало изучены на примере разносистемных языков функциональная эффективность и дискурсивная интерпретация тенденций событий присущих категории таксис, сторон исследования связанных с сущностью проявляющейся на функционально-семантическом уровне. А с научно-теоретической точки зрения недостаточная научная обоснованность их специфики предполагает комплексное и системное исследование проблемы.

Динамика развития науки в области узбекской и зарубежной лингвистики в нашей стране заметно выросла. При этом обоснованное использование достижений мировой лингвистики, их практическое применение дало положительные результаты, и наши достижения становятся известными не только в языкознании нашей страны, но и в мировой лингвистике. Наряду с достижениями существуют и исследования, которые необходимо провести, и исследование категории таксиса относится к их числу. Основываясь на тенденциях современного развития отдельно констатируется «...совершенствование системы образования, расширение возможностей качественных образовательных услуг»¹. Функционально-семантический и сопоставительно-сравнительный анализ единиц таксиса в этой области для изучения порядка действий (в общем значении «фактов») в системе неродственных английского и узбекского языков, постижения момента и

¹ Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» // Собрание законодательства Республики Узбекистан. – Ташкент, 2017: 39.

степени выражения его речевой деятельности реализации научных исследований посвященных исследованию с точки зрения типологической общности в частности является актуальным.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, поставленных в Указе Президента Республики Узбекистан №ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлении Президента Республики Узбекистан от 20 апреля 2017 года №ПП-2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-3775 от 5 июня 2018 года «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших учебных заведениях и обеспечению их активного участия в комплексных реформах в стране» и в других нормативно-правовых актах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Исследование выполнена в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики: I. «Социально-правовое, экономическое, культурное, духовно-просветительское развитие информатизированного общества и демократического государства, развитие инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации². Исследования относительно феномена таксиса, его структурно-функциональных типов, сопоставительного изучения с другими языками ведутся в ведущих научных центрах и высших учебных заведениях мира, в том числе, в таких высших учебных заведениях как Harvard University (США), Санкт-Петербургский государственный университет (РФ), Московский государственный университет (РФ), Казанский Федеральный университет (РФ), Московский институт востоковедения (РФ), Ростовский институт иностранных языков (РФ), Московский государственный университет лингвистики (РФ), Московский городской педагогический институт (РФ), Башкирский государственный университет (РФ), Таджикский государственный педагогический университет (Таджикистан), а также, Джизакский государственный педагогический институт имени Абдулла Кадыри (Узбекистан). Основные всесторонние исследования по общей и частной теории, а также сопоставительной типологии таксиса разрабатываются лингвофункционалистами петербургской школы функциональной грамматики в рамках функционально-семантической концепции (Санкт-Петербургский государственный университет, РФ).

В результате исследований, направленных на изучение категории таксиса в мировой лингвистике, был получен ряд научных результатов, в том числе

² Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации представлен на основе информации, представленной на веб-сайтах: elibrary.ru, internauka.ru, philology.ru, rusnauka.com, harvard.edu, navoiy-uni.uz, webdissertation.com, diser.biz, planetadisser.com, ex.ac.uk/library/uklibs, msu.ru, spbu.ru, db.rulib.com, uperlinguist.com, uisrussia.msu.ru/linguist, lib.ua-ru.net/diss, dic.academic.ru, linguistic.ru, lingvoforum.net, pedlib.ru, scopus.com и др.

следующие: описан общезыковой категориальный статус категории таксиса; разобраны парадигматические и синтагматические отношения в его структуре и семантике; обоснована функционально-семантическая сущность; сравнительно изучено место, занимаемое среди взаимосвязанных категорий; на примере отдельно взятых некоторых языков и в сравнительном аспекте проанализированы единицы, представляющие отношения таксиса (Harvard University, США; Санкт-Петербургский государственный университет, РФ; Ростовский институт иностранных языков, РФ; Казанский федеральный университет, РФ и др.).

На сегодняшний день по отношению таксиса в мире ведётся ряд исследований, в том числе, по следующим приоритетным направлениям: определение самостоятельного категориального статуса функционально-семантической категории таксиса; обоснование существования в разных системных языках дифференцированного/недифференцированного видов таксиса, парадигм приорного, симультанного и постериорного таксиса; разработка критериев определения и классификации категории таксиса в языке; выявление актуализации семантики таксиса в разносистемных языках.

Степень изученности проблемы. Таксис существует в каждом языке, однако в качестве отдельной грамматической категории, отличающейся от времени и вида, своё отражение она нашла только в языках, где на практике действует система особых грамматических форм. Термин «таксис» появился в лингвистической сфере сравнительно недавно. Однако, таксисные отношения между фактами рассматривались и в работах ученых более раннего периода. В этом смысле, историю изучения лингвистической категории таксиса можно условно разделить на два периода. В первом периоде таксисные отношения между фактами характеризуются изучением процессов, выраженных глаголом, как вторичной семантической спецификой взаимоотношения. Следующий период начинается с признания этих отношений отдельной языковой категорией, в частности, с изучения их под термином «таксис».

Одним из первых таксис, как самостоятельную категорию, выделил Р.О. Якобсон в своей статье «Шифтеры, глагольные категории и русский глагол» (1957)³. С тех пор понятие таксис применяется в современной лингвистике. Хотя Р.О. Якобсон рассматривал таксис в качестве отдельной категории (в частности, категория свойственная глаголу), он не исследовал это языковое явление как отдельный объект исследования⁴. То же самое можно сказать и об одном из его последователей, известном русском лингвисте А.В. Бондарко. А.В. Бондарко, взяв таксис как объект своего исследования, частично опираясь на идеи Р.О. Якобсона, сравнительно изучил это событие разносистемных русском и нивхском языках и изложил в своей книге под названием «Аспектуальность. Временная локализованность. Таксис.»,

³ Якобсон Р.О. Шифтеры, глагольные категории и русский глагол // Принципы типологического анализа языков различного строя. – М., 1972, 1957. – Б. 101-108.

⁴ Якобсон Р.О. Там же. – М., 1972. – Б. 95-113.

входящей в цикл «Функциональной грамматики»⁵. Еще до Р.О. Якобсона, А.В. Бондарко и других их последователей таксис был выделен и исследован под разными терминами рядом ученых (сначала Л. Блумфильд (под названием «Order») ⁶, позже А.И. Смирницким и Д.А. Штеллингем (на основе термина «Временная относительность»)⁷.

Изученные источники показывают, что таксис стал находить свое отражение в русском языке в середине 80-х годов XX века в работах О. Ахмановой, С. Беленькой и А. Бородиной. Однако введение понятия таксис в качестве языковой категории в широкий научный обиход связано с именем известного лингвиста А.В. Бондарко, который обеспечил комплексное теоретическое исследование этой категории. В результате, категория таксиса стала подробно изучаться такими лингвистами, как С.М. Полянский, Н.А. Козинцева, В.П. Недялков, Т.А. Отаина, М.Ю. Рябова, М.Б. Нуртазина, Л.Н. Оркина, А.Л. Сидинхе, Е.Ю. Груздева, Н.А. Брюховец, Е.В. Евпак, Н.В. Берницкая на материале разных языков, в основном русского, немецкого и английского языков.

А в тюркологии категория таксиса почти не выделена и широко не изучена до сих пор. В качестве примера здесь мы можем привести только две известные нам пока работы, выполненные в рамках отдельного диссертационного исследования. Это кандидатские диссертации Ш.Х. Салчака «Зависимый таксис в тувинском языке в сопоставлении с английским языком» ⁸ и М.С. Азизовой «Таксис в современном татарском литературном языке» ⁹.

В том числе, и в узбекском языкознании следует отметить, что до сих пор нет отдельной научно-исследовательской работы, посвященной систематическому и комплексному изучению категории таксис, всех языковых средств, которые ее представляют. С этой точки зрения является актуальным исследование категории таксис в современном узбекском литературном языке.

В том числе, за последние годы был выполнен ряд монографических работ, близких к теме диссертации в языкознании. К их числу можно отнести такие кандидатские диссертации как Э.Р. Бариевой «Категории таксиса и обусловленности в английских полипредикативных конструкциях с двойным подчинением»,¹⁰ Н.Л. Кудиновой «Средства выражения категории таксиса в англоязычном дискурсе»,¹¹ Н.А. Лященко «Функционально-семантическое поле

⁵ Бондарко А.В. Общая характеристика семантики и структуры поля таксиса // Теория функциональной грамматики: Введение. Аспектуальность. Временная локализованность. Таксис. – Л.: Наука, 1987. – 242 с.

⁶ Блумфильд Л. Язык. – М.: Прогресс, 1968. – 606 с.

⁷ Смирницкий А.И. Перфект и категория временной отнесенности // Иностр. языки в школе, 1955. №2. – Б. 15-29.

